

СЕХРЛИ ЭРТАКЛАРНИНГ СТРУКТУРАЛ ТАҲЛИЛИ (Масаланинг қўйилиши)

Н.Дўстхўжаева*

Адабиётшунослик тарихида бадний асарни турли нуқтаи назардан таҳлил этиш усуллари тадқиқот объектига бўлган муносабатни белгилаб келган.

Адабиётшунослик тарихида бадний асарни структурал жиҳатдан таҳлил қилишга муносабат ҳеч қачон бир хил бўлган эмас. Структурал таҳлил тарафдорлари ўрганилаётган ижод намунасининг бадний моҳияти фақат ана шундай усул жараёнидагина мукамал аниқланиши мумкин, деган мулоҳазани билдирадилар. Чунки улар ижод намунасидаги ҳар бир лавҳа, ҳар бир кичик унсур асар морфологиясини ўрганувчи мутахассис назаридан четда қолиши мумкин эмас, деб ҳисоблайдилар. Айни пайтда, структурал таҳлилга қарши мутахассислар бадний асарни формулалар воситасида ўрганиш унинг гўзаллигига путур етказишини алоҳида таъкидлашга ҳаракат қиладилар. Уларнинг мулоҳазасига кўра санъат даражасидаги асарнинг моҳиятини биз назарда тутган таҳлил формулалари ҳеч қачон тўлалигича изҳор этиши мумкин эмас. Структурал таҳлилга яна бир муносабат ҳам бор, у қарашга мансуб мутахассислар фольклор асарларини бадний жиҳатдан таҳлил қилишни кўпроқ маъқул кўрадилар. Шу билан бирга, уларнинг фикрича, структурал таҳлил бадний таҳлилни тўлдирish омили сифатида ижобий баҳоланади.

Жаҳон фольклоршунослигида халқ ижоди-нинг структурал ўрганиш тажрибаси XX аср бошларида вужудга келган. Тўғри, бу давргача ҳам бадний асарнинг таркибий қисмларини таҳлил этишга бағишланган илмий тадқиқотлар олиб борилган эди. Фақат В.Я.Пропнин халқ эртакларини структурал таҳлил этиш тажрибасидан бошлаб мазкур усулга мурожаат қилиш анъанаси кенг оммалашди. Афсуски, ўзбек фольклоршунослигида структурал таҳлилга бўлган муносабатни аниқ белгилаш фикрлари шу пайтгача қайд этилмаган. Бизнингча, бу вазиятнинг вужудга келишида икки сабаб бор. Биринчидан, структурал таҳлил усулидан фойдаланган ҳолда бадний асарни ўрганиш тадқиқотчидан катта меҳнатни талаб этади. Тадқиқотчи ҳар бир унсур устида фикр юритиши, унинг этимологик илмизларини ахтариши, типологик таҳлилни

амалга ошириши ва фақат шундан сўнг ўзини бирон хулосасини баён этиши мумкиндир. Иккинчидан, структурал таҳлилни айрим адабиётшуносларимиз кўпроқ аниқ фанлар услубига яқин эканлигига диққатни қаратадилар ва сўз санъати намунасининг матн бирлигига зарар етказиши мумкинлигини таъкидлаган ҳолда бу усулни рад этадилар.

Фикримизча, структурал усулни қўллаш орқали бадний асарни ўрганишда қандай ижобий натижаларга эришиш мумкинлигини кўриб чиқиш фойдадан холи эмас.

Структурал таҳлил деганда бадний асарнинг композициясини, образлар тизимини, бадний тасвир воситаларини алоҳида-алоҳида қисмларга бўлинган ҳолда ўрганиш, сўнгра уларни синтез қилиш орқали умумий қонуниятларни аниқлаш ва илмий хулосаларга келиш усули назарда тутилади.

Шу пайтгача халқ оғзаки ижоди асарларини структурал таҳлил қилиш амалга оширилмагани учун уларнинг ҳақиқий бадний қимматини баҳолаш ҳозирги давр талабларига жавоб беради, деб бўлмайди.

Структурал таҳлилда баднийнинг ҳар бир майда деталлари назардан ўтказилади, қисқаланади, баҳоланади ва синтез қилинганда тадқиқ объектининг барча маъқул ва маъқул эмас томонлари намён бўлади.

Ўзбек халқ оғзаки ижодидаги жанрларнинг бирон таснифини ҳозирги давр жаҳон андозаларига мос, деб бўлмайди. Чунки асар мазмунини асос қилиб олиш анъанаси 50-йилларда етакчи эди. Ваҳоланки, бадний асарнинг мазмунинидаги бир йўналиш иккинчи йўналишнинг инкор қилмайди. Масалан, муҳаббат-ватанпарварликни, меҳнат-муҳаббатни ёки эркинлик-илм-хунарни ва ҳ.к. Дарвоқе, структурал таҳлил усули аниқ фанлардаги таҳлил йўналишини сўз санъати намуналарига татбиқ этиш асосида вужудга келган. Яъни асар мазмунидан маиший ҳаётдаги фақат ягона йўналишнинг ўзини қидириб топиш бирон ижобий ечимга олиб келмайди. Масалан, йирик эпик жанрдаги дostonларда муҳаббат, ватан, меҳнат мазмунини бор. Халқ оғзаки ижодининг майда жанрлари, хусусан, мақолларга мурожаат этсак, уларнинг тас-

* Н.Дўстхўжаева - М.Улўзбек номидаги ТошДУ ўзбек филологияси факультети умумий тилшунослик кафедраси ўқитувчиси.

нифи йигирмадан ортиқ турни ташкил этади Илм, меҳнат, меҳмондўстлик, тўғрисузлик, гўзаллик, ҳалоллик ва шу каби беҳисоб мазмун йўналишлари мазкур тасниф натижаси бўлиши мумкин. Лекин бир мақолнинг ўзида бир неча мазмун йўналиши иштирок этса-чи? Бундай ҳолатда тадқиқотчи структурал усулдан фойдаланишга мажбур бўлади. Жаҳон фольклоршунос олимлари бадий асарни бу усул воситасида таҳлил қилишни аллақачон бошлаганлар. Жумладан, М.Кууси мақолларнинг халқаро тизими масалаларини тақлиф қилган. Ундан аввалроқ Г.Л.Пермяков Шарқ халқлари матал ва мақолларини системалаштирган, Э.Кенгес-Маранда эса фин топишмоқларининг мантқиқий асосда структурал таҳлилин амалга оширган [1]. Рус олими В.Я.Пропл 1928 йилдан бери қайта-қайта нашр қилинган тадқиқотида рус эртақларининг структурал таҳлили натижаларини еритган [2]. Румин олими Н.Рошину эса роман, словян ва баъзи шарқ эртақлари материалида эртақ структурасининг инициал, медиал ва финал қисмларининг илмий таҳлилин амалга оширган [3].

Бу олимлар халқ оғзаки ижоди асарларини жанрларга, турларга ажратишда структурал таҳлил усулини қўллаган ҳолда тасниф этиш мезонларини тақлиф этишган.

Ўзбек фольклоршунослигида бу муаммо ҳамон назардан четда қолиб келмоқда. Эҳтимол, биз эътиборни ғоявийликка йўналтирганимиздан эки бадий асар таҳлили калитини тўғри топиб, қўллай олмаганимиздан структурал таҳлил муаммоси иккинчи даражага ўтиб қолганмикин.

Структурал таҳлилнинг филологик фан йўналишида аниқ маълумот бериш имконияти ниҳоятда кенг эканлиги жаҳон фольклоршунослигида тан олинган.

Халқ дostonларининг ҳажми ҳар қанча кенг, мавзулар кўлачи ранг-баранг бўлмасин, уларнинг яратилишида маълум қонуниятлар мавжудлиги сезилиб туради. Туркум дostonларини, эртақларни ўрганиш бу қонуниятларни янада аниқроқ кўрсатмоқда. Дoston эки эртақ яратилиш қонуниятларини билган бахши эки эртақчи учун янги асар яратиш ортиқча ташвиш бўлмаган. Унга айнан асар структурасини билиш кифоя эди, ҳолос. Бизнингча, халқ ижодкорларига аён бўлган структурал қурилишни аниқлаш фольклоршуносликда муҳим янгиликларнинг вужудга келишини таъминлайди.

Тўғри, олимларимиз структурал таҳлил элементларига 50-йиллардаёқ мурожаат этишган. Ҳ.Зарифов ва В.М.Жирмунскийларнинг "Ўзбекский народный героический эпос" [4] асарида мотивлар, эпик клишелар, дostonларнинг инициал қисмлари, сеҳрли ашёлар, жанг қуроллари

ва ҳоказолар хусусида маълумот беришда структурал таҳлил усули аниқ сезилиб туради, аммо муаллифлар бу атамадан фойдаланмаганлар.

Айнан шундай фикрни М.Алавиёвнинг ўзбек халқ қўшиқларига бағишланган тадқиқоти, [5] З.Хусанованинг топишмоқлар [6] ҳақидаги кузатишларида, шунингдек, М.Саидовнинг "Ўзбек дostonчилигида бадий маҳорат масалалари" монографияси [7] юзасидан ҳам билдириш мумкин. Айтмоқчимизки, структурал усулнинг фольклоршуносликда намоён бўлиши объектив ҳодиса бўлиб, айрим тадқиқотчининг ихтиери билан белгиланмайди.

Кейинги ўн йилдан ортиқ вақт мобайнида ўзбек сеҳрли-хаёлий эртақларини ўрганиш тажрибаларимизнинг ўзидаёқ структурал таҳлилнинг қанчалик муҳим аҳамият касб этиши мумкинлигини кўрсатмоқда. Жумладан, биз ўзбек сеҳрли-хаёлий эртақларининг сюжетини ташкил этувчи мотивлар таҳлилин ўрганиш давомида сеҳрли эртақларнинг медиал қисмидаги етишмовчилик, шарт, тақик, туш, сафар, вазифа, қурол-яроғ, рақиб, тамга, мукофот-ҳазина, қайтиш каби мотивлар анъанавийликка эга эканини кузатдик.

Сеҳрли эртақларнинг жанр хусусиятини белгилловчи сеҳр, сеҳргар, жодугар, дев, пари, сеҳрли хусусиятга эга жонивор, сирли учуш, фавқулодда тилга кириш, сеҳрли аше ва трансфигурация каби; туш мотиви эса, аллегорик шаклдаги келажакдан башорат қилувчи, ҳаётда кўрган воқеаларни акс эттирувчи, қучли ҳис-туйғулар таъсирида пайдо бўлувчи, юраклари ваҳимага тўлган гўдак ва қариялар кўрадиган тушлар каби таркибий қисмлардан иборатдир. Тушнинг реал мотив вазифасини ўташ баробарида зийрак тингловчини қимматли ахборотларни аввалдан қабул қила олишини таъминлашда хизмати бекиесдир.

Сеҳр мотиви образ жиҳатдан сеҳр-дев, сеҳр-жодугар, сеҳр-пари каби таркибий қисмларга бўлинади. Айнан шу Сеҳр мотиви аше нуқтаи назаридан: сеҳр-ғилам, сеҳр-қилич, сеҳр-олма, сеҳр-хумча ва бошқа шу каби ташкилий элементлардан иборат экани маълум бўлди.

Ўзбек сеҳрли эртақлари мотив жиҳатдан жаҳон халқлари оғзаки ижодига онд асарлар билан муштаракдир. Лекин шу билан бирга, сеҳрли эртақларнинг ўзига хос нуқталарини ҳам структурал таҳлилдан фойдаланган ҳолда ажратиш имкониятига эга бўлди. Шу ўринда турк, румин, форс, грузин, болгар ва бошқа халқлар эртақларининг бошланма қисмини тадқиқ қилган Н.Рошинунинг илмий хулосаларини едга олиш керак. Олим эртақлар бош-

ланмасидаги мавжуд инкорларнинг 35 ҳолатини аниқлаган [8]

Биз тадқиқ қилган эртақларда тасдиқ (V)нинг 1,2 20 элементи мавжуд экани аниқланди: "Байтим байт-ай (V₁), эртагимни айтай (V₂), байтимнинг байти (V₃), бой бувамнинг хайити (V₄), кадим-қадим замонларда (t), қизилиштоннинг орқаси қизил экан (V₅), тумшуги узун экан (V₆), курук ўрикка чинган экан (V₇), тумшуги синган экан (V₈), ғоз қарнайчи (V₉), ўрдақ сурнайчи экан (V₁₀), ола қарға азончи (V₁₁), қора қарға қозончи (V₁₂), кўк қарға қакимчи (V₁₃), чумчуқ чакимчи (V₁₄), бўри баковул экан (V₁₅), тулки ясавул экан (V₁₆), айик полвон айғокчи (V₁₇), қуен бойбачча пойлоқчи (V₁₈), тошбақа тарозбон экан (V₁₉), ҳамма ундан қарздор экан (V₂₀). Ана шундай замон (t)ларнинг бирида бир бой ота (E)

Мазкур эртақда замон (t), қахрамон (E) ҳақида ҳикоя боради. Унинг инкори йўқ. Лекин 20 тасдиқ йиғиндиси инкорга тенг:

$$V_1 + V_{20} = V \text{ каби}$$

Бу эртақнинг инициал қисми формуласи куйидаги шаклни ҳосил қилади:

$$\frac{1}{V} \frac{V_1 + V_{20}}{V} = V$$

Кўринадик, формулада замон (t) бор, лекин макон (S) ифодаси йўқ. Яна шуни сезиш мумкинки, "бир йўқ экан" элементи йўқ. Унинг функцияси ҳайвонларнинг турли юмушларни бажариши (V₅ V₂₀) элементига юклатилган, яъни бу ҳайвонларга юмушларнинг алоқаси йўқлиги туфайли юқоридаги формула энди куйидагича кўринишга эга бўлади.

$$\frac{1}{V(V)} \frac{V_1 + V_{20}}{V} = V$$

Қайд этилган формуладаги V₁ - V₂₀ жонсиз рақамлардан иборат эмас. Агар биз улардан ҳар бирининг пайдо бўлиш тарихини билиш имкониятига эга бўлганимизда уларнинг яратилишида аҳтимол, юзлаб иқтидорли ижодкорларнинг иштирок этганига ғувоҳ бўлишимиз мумкин бўларди. Чунки қизилиштон деталининг ўзи ажойиб бадий маҳорат эгасининг иқтидори билан бир неча ўринларда мантикий тизим асосида тилга олинади. "Қизилиштоннинг орқаси, тумшуги, курук ўрикка чиниши, ўз ишини қилиши, тумшугининг синиши" каби жараён билан боғлаш, шубҳасиз, оддий-бадий иқтидори йўқ шахснинг ижод маҳсули бўлиши мумкин эмас. Формула жиҳатдан бу қисм V₁, V₂, V₃, V₄, V₅ каби белгилангани ҳолда бу рақамлар кўп жиҳатдан эртақчининг шоирона табиати, ҳаётга синчковлик билан муносабатда бўли-

ши, эртақнинг зачин қисмида ўз мулоҳазаларини чиройли тизимга олиб келиши билан боғланади.

Мазкур формула 20-рақам билан тутайди. Аммо бу рақамнинг заминида неча-неча йиллар давомида авлоддан-авлодга ўтган эртақ матни чуқаммаллашиб борганини тасаввур қилсак, эртақ жанрига мансуб асарларнинг тадрижини ривожини бадий жиҳатдан такомиллашувини, бизгача ўтиб келган матнда ўзбек халқининг бир неча авлоди иштирок этишини илмий жиҳатдан ҳулосалаш мумкин бўлади. Фольклоршуносликка оид адабиётларда ҳар бир жанрнинг такомилда бадий маҳоратга оид илмий ҳулосаларни бериш кўп учрайди. Таниқли фольклоршунослар ўз тадқиқотларида асарни таҳлил қилар эканлар, бадий матндаги тасвир воситаларидан келиб чиққан ҳолда ижрочиларнинг маҳорат даражасини белгилашга уринадилар. Масалан, Ҳ.Т.Зарифов ва В.М.Жирмунский "Ўзбек халқ қахрамонлиқ эпоси" [9] асарида Фозил Йўлдош ўғли, Эргаш Жуманбулбул ўғли, Пўлкан шоирлар ижодида оид бир қатор далилларни қайд этганлар. Т.Мирзаев Раҳматулла Юсуф ўғли қуйлаган "Гўрўғли" туркуми дostonлари асосида бахшнинг маҳорат даражасини таъкидлайди [10]. Бу илмий анъана М.Афзаловнинг "Ўзбек халқ эртақлари ҳақида", [11] М.Алавиёнинг "Ўзбек халқ кўшиқлари" [12] рисола-ларида ҳам учрайди.

Бизнингча, структурал таҳлил ердамида олиб борилган кузатувларда ижрочининг маҳорат даражасини аниқлайдиган омилиларни жуда аниқ тарзда белгилаш имкони бор. Юқорида келтирилган зачин мисолида ана шундан фикрни тасдиқлаш мумкин, деб ўйлашимиз. Бундан мисоллар эртақ жанрининг бадий жиҳатдан чуқаммаллашиб борганини тасдиқлаш имконини беради. Жуда кўп эртақларда зачин макон (S), замон (t), қахрамон (E) ҳақида қисқа маълумот бериш билан чекланилгани ҳолда бу эртақда V белгиси I дан 20гача етиб борди. Маълум бўладики, мазкур эртақнинг ижрочиси эртақни айтиш жараёнига тингловчини жалб қилиш мақсадида ўз истеъдодини ишга солиб ўзгариш киритмоқчи бўлган. Бу эртақчи битта бўлганми, кўп бўлганми? V₁ - V₂₀ ҳолатининг пайдо бўлиши битта эртақчининг маҳсулотини еки бир неча эртақчининг маҳсулотими? Эртақдаги қизилиштон деталдан бошқа эртақчи фойдаланиб ғоз, чумчуқ, тулки, бўри элементларини киритганми? Бу жараён бир даврда рўй берганми еки бир неча замонлар маҳсулими?

Бир назарда эътиборсиз бўлиб кўринган зачин матнини структурал таҳлил асосида ўрганиш илмий фараз орқали унинг пайдо бўлиши

жуда мураккаб ижодий жараён билан боғлиқлигини белгилашга асос беради.

Демак, ўзбек сеҳрли-хаёлий эртакларининг бошланмаси 20 тага қадар инкор элементиға эға экани маълум бўлди. Мазкур инкорларнинг фақат бир халққа, бир жанрга, бир турға онд эканини яна бир бор таъкидлаймиз. Кузатилган эртакларнинг бошланмасини структурал тахлил қилиш натижасида уларнинг бадий жихатдан жаҳон халқлари эртаклари қаторидан муносиб ўрин эғаллаганлигини ҳам эътироф этиш мумкин бўлади.

Эртақ структурасининг медиал (воқеа ривож баёни) қисмида сеҳр мотивининг доимий равишда намоён бўлиши бизға маълум. Уларнинг жаҳон халқларининг сеҳрли эртаклари сюжетиға таъсири доимий. Ўзбек сеҳрли эртакларида эса эртақ сюжетиға зарурий пайтдағина сеҳрға мувожаат қилинади. Биз эртақ сюжетидаги динамиқликни таъминлаш борасида сеҳр элементининг иштирокини кўрамыз.

Шунингдек, халқ эртакларидаги тасвир воситаларини ҳам структурал тахлил нуктаи назаридан ўрганиш умумий тахлил жараёнида тадқиқотчи томонидан ҳамиша ҳам эътибор берилмайдиган нукталарни белгилаш имқониятини вужудға келтиради. Бизнингча, бадий тахлилни амалға оширувчи мутахасссининг қандай соҳа бўйича ихтисослашуви асар қимматини

белгилашда муҳим аҳамиятға эғадир. Бирон адибнинг ижодиға тааллуқли асарларда халқ оғзаки ижоди билан боғлиқ хусусиятларни адабиётшунослик нуктаи назаридан ўрганиш билан фольклоршунослик нуктаи назардан ўрганиш фаркланади. Айни пайтда, халқ оғзаки ижодиға мансуб асарларни умумий ёки структурал тахлил билан ўрганиш ҳам фаркланади. Тажириба шуни кўрсатадики, структурал тахлил жараёнида таъсир воситаларининг қўлланилиш ўрни, вазифаси, аҳамияти, таснифи аниқроқ намоён бўлади.

Ўзбек сеҳрли эртакларининг финал (туғалланма) қисмини тадқиқ этганимизда бошқа халқ эртакларида деярли учрамайдиган вазиятға дуч келдик. Бу вазият айниқса туғалланмадаги рақибнинг жазоланиш лавҳасида аниқ сезилади. Жаҳон халқлари эртакларида рақибнинг афв этилишини кузатамиз. Ўзбек эртакларида ҳам бу ҳолат етакчи. Аммо таъкидлаш жоизки, ўзбек эртакларида рақиб қаҳрамон томонидан кечирилса-да, тақдир, қисмат ундан ўз ўчини олиш ҳолатлари ҳам учрайди.

Ишонч билан айтиш мумкинки, бадий асарни структурал тахлил қилиш адабиётшуносликда шу пайтгача нисбатан кам эътибор қилинган усулдир. Бадий ижод намуналарини мазкур усулда тахлил этиш келгусида асосли илмий ҳулосаларға олиб келувчи йўллардан бири сифатида баҳоланиши керак.

АДАБИЁТЛАР

1. Паремииологический сборник. М., Наука, 1978, стр.53, 55, 249.
2. Пропп В.Я. Морфология сказки. М., Наука, 1969, Введение.
3. Рошьяну Н. Традиционные формулы сказки. М., Наука, 1974.
4. Жирмунский В.М., Х.Зарифов. Узбекский народный героический эпос. М., ГИХЛ. 1947.
5. Алавия М. Ўзбек халқ кўшиқлари. Т., ЎзФА нашриёти. 1959.
6. Хусаннова З. Ўзбек топишмоқлари, Т., Фан. 1966.
7. Саидов М.Ўзбек достончилиғида бадий маҳорат масалалари. Т., Фан. 1969.
8. Рошьяну Н. Традиционные формулы сказки. М., Наука. 1974. стр.23-25.
9. Жирмунский В.М. Зарифов Х.Т.Узбекский народный героический эпос. М., ГИХЛ, 1947.
10. Мирзаев Т. Халқ бахшиларининг эпик репертуарининг асосий хусусиятлари. Т., Фан. 1979.
11. Афзалов М. Ўзбек халқ эртаклари ҳақида. Т., Фан, 1964.
12. Алавия М. Ўзбек халқ кўшиқлари. Т., ЎзФА нашриёти, 1959.

РЕЗЮМЕ

В истории русской фольклористики структуральный анализ был применен ещё в конце XIX, в начале XX веков. Во многих странах пользуясь этим методом анализа произведено классификация произведений, таких жанров как сказки, песни, пословицы и т.д. В узбекской же фольклористике структуральный анализ как приём фундаментального изучения произведения до сих пор не осуществлялось. Между тем, на наш взгляд классификация дастанов, сказок, песен, пословиц в узбекской фольклористике не отвечает современным требованиям. Содержание произведения здесь взято как основа классификации жанров. Мы считаем, что именно структуральный анализ может привести узбекских фольклористов осуществить глубоконаучную обоснованную классификацию основных жанров узбекского фольклора. А также, структуральный анализ может привести нас к реальной оценки произ-

ведений узбекского фольклора, как примера словесного искусства. Прием структурального анализа воплощает в себе не только механическое расчленение текста произведения, но и синтеза их художественных свойств. Первоначальные результаты показывают, что узбекские фантастические сказки имеют как общие так и своеобразные стороны в сравнении со сказками других народов. Так например инициал (i), медиал (m), финал (f) этих сказок имеют как по линии сюжета, так и по линии композиции специфические своеобразия, что доказывается в данной статье.

RESUME

In the history of Russian folklore the structural analysis was used at the end of 19th and the beginning of 20th centuries. The classification of literary works such as tales, songs and proverbs was made using this method of analysis in many countries.

In Uzbek folklore the structural analysis as the method of fundamental learning was not used to nowadays. Meanwhile to our mind the classification of dastans, tales, songs and proverbs do not answer to the modern requirements. Content of literary works are taken as the base of the classification of genre. We consider that the only structural analysis can lead the Uzbek students of folklore to fulfil (accomplish) the deep theoretically substantiated classification of main genres of Uzbek folklore. At the same time the structural analysis can lead us to the real appreciation of the work of Uzbek folklore, as the device of philological (oral) art. The device of structural analysis embodies not only the mechanical breakdown the text of literary work, but the synthesis of their artistic peculiarities. The first results show that the Uzbek fantastic tales have the common and peculiar sides in comparison with tales of other nations. For example the initial (i), medial (m), final (f) of these have as in the line of subject and as in the line of composition special peculiarities that is proved in this article.